Gazeta 1914-yil 3-apreldan "Sadoi Farg`ona" nomi bilan chiqa boshlagan

2024-yil 13-dekabr, juma

№ 50 (24970)

Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

http://farhaqiqat.uz/

t.me/farhaqiqati



Мен Фарғона вилояти Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси Фарғона шаҳар бўлимида салкам 16 йил ишладим. Фаолиятим давомида ногиронлиги бўлган, ишсиз ва меҳнат бозорида иш топишга қийналган, шунингдек, иш жойи қисқартиришга тушиб, меҳнат шартномаси бекор қилинган фуқароларни ишга жойлаштириш билан шуғулланиб келдим.

КАСАБА УЮШМАСИ АДОЛАТНИ ТИКЛАДИ

Тақдир тақозоси билан ўзимнинг бошимга ҳам шундай ташвиш тушди. Жорий йилнинг июль ойида бўлим томонидан иш жойим қисқарганлиги асос сифатида кўрсатилиб, меҳнат шартномам бекор қилинди. Бу жараёнда ишда қолишдаги имтиёз ва ҳуқуқлар – малакам ва меҳнат унумдорлигим, Жамоа шартномасидаги ҳуқуқларим, қарамоғимда икки нафар вояга етмаган фарзандларим борлиги ва ёлғиз боқувчиси эканлигим инобатга олинмади.

Ишсиз қолиш жуда қийин экан. Бандлик бўлимига иш излаб келаётган кўплаб фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати, кечинмаларини ичимдан ҳис қилдим. Ишсиз юрган 4 ойдан ортиқ давр мобайнида жуда қийналдим.

Афсуски, меҳнатга оид ҳуқуқларимни ҳимоя қилиш мақсадидаги мурожаатим гўё бошқарма бошлиғи, бош юристконсульт, давлат меҳнат инспекцияси, кадрлар бўлими мудири иштирокида ўрганиб чиқилиб, қонунбузилиш ҳолати йўқлиги маълум қилинди.

Шундан сўнг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти Кенгаши раиси Э.Нуралиев қабулида бўлдим. Ишга қайта тиклаш бўйича амалий ёрдам сўрадим.

Мурожаатим касаба уюшмасининг малакали ҳуқуқшунослари томонидан чуқур ўрганилди. Буни қарангки, иш берувчи меҳнат шартномамни бекор қилишда ўндан ортиқ қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйганлиги аниқланди. Шу тариқа касаба уюшмаси менинг манфаатларимни кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризасини киритди.

Судда адолат қарор топди. Судья Д.Султонов "иш"ни ҳар томонлама адолатли кўриб чиқиб, вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бош бошқармаси Фарғона шаҳар бўлимининг мени ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруғини ғайриқонуний деб топди ва бекор юрган кунларим учун 16.866.857.00 сўм асосий иш ҳақи ундирилиши белгиланди.

Мамлакатимизда қонунлар қоғозда қолиб кетмаётганлигига яна бир бор амин бўлдим. Яна иқрор бўлдимки, касаба уюшмалари ишчи-ходимларнинг ҳақиқий суянчиғи экан. Адолат қарор топишида менга кўмак кўрсатгани учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти Кенгашига оиламиз миннатдорчилигини билдираман.

Минавархон МАМАТОВА,
Фарғона шаҳри.

Қишлоқ хўжалиги фидойиси

Фермер Воҳиджон Обидов:

ПРЕЗИДЕНТ ҚЎЙГАН МАРРАЛАРГА, АЛБАТТА, ЕТАМИЗ!

"Яхши ният, иш юритишда ҳалоллик, холислик ва астойдил меҳнат – хотиржам ва фаровон ҳаёт асоси". Бу гапларни бирон-бир алломаи даврон қолдирган китоблардан олмадик. Ёзёвон туманидаги "Мезон" фермер хўжалиги раҳбари Воҳиджон Обидовнинг кундалик ҳаётий шиори бу.

Воҳиджон қишлоқ фарзанди. Авлод-аждодлари ҳам деҳқончилик қилиб кун кўришган. Аммо у ер билан ишлашда илмга интилди, илмий хулоса, тавсияларга асосланди.

"Мезон" фермер хўжалигида жами 130 гектар ер бор. 2024 йилда 57 гектарда ғалла, 73 гектарда эса пахта етиштирди.

Ғалла майдонларида бошоқлар денгиз тўлқини мисол бош чайқайди, ҳосил мўллигидан.

– "Давр", "аср", "беҳи", "васса" каби навларни экяпмиз. Дастлаб ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олган бўлсак, деҳқончилик илмини самарали қўллаганимиздан сўнг 60, 70, 80 центнергача чиқдик, – дейди фермер.

Эътибор беринг, ҳатто 90, 95 центнердан ҳосил олинган далалар бўлди. Қолаверса, улар уруғлик эди. Бошоқни қўлга олсангиз, тош босаётганини сезасиз.

Фермерининг айтишича, пахта майдонларидаги ҳосил териб олингач, сочилган уруғлар бир текис униб чиққан. Экишдан аввал ҳар гектарига 300 килограммдан аммофос солинди. Яқинда эса 100 килограммдан селитра солиб суғорилди.

– Очиқ майдонга экилганлиги ҳисобига ҳосилдорлик йилдан-йилга ошиб бормоқда. Буғдойни 1-10 октябрь оралиғида экдик. Ҳозиргача ҳар донаси 7-8 тадан бўлиб чайлади, – дейди Воҳиджон. – Совуқ кучайганидан кейин кўчатлар дам ола бошлади.

Марказий Фарғона чўллари ҳарорати атрофга қарагандa ҳамиша 2-3 даража ёзда иссиқ, қишда совуқ бўлади. Воҳиджон буғдой униб чиққан кўчатларни диққат билан кўздан кечираркан, "Майсанинг устки қисми совуқдан сарғаяди, эрта баҳордан яна амалга киргaнида остидан янги нишона чиқаради. Қолаверса, ер ҳам музлаган, ҳаммаси жойида", дея кўнгли хотиржамлигини билдирди.

Биз фермер хўжалигининг деярли барча майдонлари билан танишиб чиқдик. Йўл четлари, ички ариқлар, ободончилик ҳамма-ҳаммаси ҳавас қилгудек. Деҳқончилик маданияти фермернинг эътиқоди, ғоялари, амали каби юксак.

Видеони томоша қилиш учун смартфонингизни **QR кодига** йўналтиринг

Давоми 2-бетда.

Ислоҳотлар самараси:

ЙИРИК ЭКСПОРТЁР ҲУДУД – ВАСОЙ

"Саноат шаҳри" сифатида танилган Қувасой улкан иқтисодий салоҳиятга эга ҳудуд ҳисобланади. Саноат, қурилиш материаллари, фармацевтика, электротехника, тўқимачилик, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш шаҳар "драйвери"га айланмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган сиёсат асосидаги амалий ишлар натижасида сўнгги беш йилда шаҳарда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 2,1 баробарга ошди.

Давоми 2-бетда.

Россия ва Эрон ўрнига ТУРКИЯ.

Асад режими нега бунчалик тез қулади?

Сурияда нега ҳарбийлар президентни ҳимоя қилмади? Бу тўнтаришдан қайси давлатлар ютди, кимлар ютқазди? Сиёсатшунос Камолиддин Раббимов диктатор Башар Асад режимининг қулаши ҳақида сўз юритади.

Давоми 4-бетда.

Ҳурматли ўқувчи! Мана, бир ойдирки, газетамизда ЗАЪФАРОН ва унинг хосиятлари ҳақида сизга маълумот бериб келяпмиз. Қуйидаги мақолани ўқиб, шифобахш ўсимликнинг тарихи, қайси касалликларга даво экани борасидаги билимингизни оширинг.

ЗАЪФАРОН ҲАҚИДА ТАРИХИЙ МАНБАЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Заъфарон ўрта асрлардан бери баҳоси ва қадри тушмай келаётган ягона зиравордир. Ўша даврларда бир қадоқ (450 г.) заъфаронни зотли араб чопқир отига айирбошлаш мумкин бўлган.

Бу зираворнинг номи деярли ҳамма тилларда арабча "сариқ" маъносини берадиган "заъфарон" сўзидан олинган бўлиб, манбалар қадимда мазкур ноёб ўсимликдан бўёқлаш моддаси сифатида фойдаланилганидан далолат беради. Ҳозирги даврда заъфарон ўзининг азалий аҳамиятини йўқотиб, аввал пазандаликда ишлатилди. Аммо у олтин билан тенг баҳоланадиган ягона зиравордир. Ер юзида бугунги кунда йилига фақат уч юз тонна заъфарон етиштирилади.

Давоми 4-бетда.

Фермер Воҳиджон Обидов:

ПРЕЗИДЕНТ ҚЎЙГАН МАРРАЛАРГА, АЛБАТТА, ЕТАМИЗ!

(Бошланиши 1-бетда).

Ҳайдовдан чиққан майдонларнинг бири ёнида тўхтадик. Ер шу қадар моҳирлик билан ҳайдалганки, чуқурлиги барча ерда бирдек – 45-50 сантиметр, тупроқ ағдарилиши бир текис.

– Ёзёвонда миришкор деҳқонлар бор. Ҳамиша маслаҳатлашиб иш тутаман. Улар ерни кузда ҳайдаш лозимлигини уқтиришади. Тавсияларига риоя қилиб, бир гектарга 200 килограммдан аммафос сочиб, кейин ҳайдатдик. Энди пол оламиз ва қишки чилла сувини қуямиз.

Воҳиджон камтарлик билан айтди, бу гапларни. Аслида, наинки Ёзёвон, бутун Фарғона деҳқонлари ундан маслаҳат олгани келади. У деҳқончиликда илмга урғу беради, дегандик. Мана, уч йилдирки, Хитойнинг "Tian Ye agro" компанияси билан ҳамкорлик қилади. Чигит экишдан то униб чиқиб, ниҳоллари майдонни эгаллагунча, пахта кўчатлари ҳосил тугиб, бўй кўрсатгунча, ва ниҳоят терим даврида ҳам хитойлик мутахассислар билан маслаҳатлашиб туради. Ҳар доим қўлида у ёки бу асбоб. Гоҳ ер намлигини ўлчаса, гоҳ ҳар метрда нечта кўчат, нечта кўсак борлигини санайди. Пировард натижада пахта майдонлари оқ денгиз каби тус олади. Ҳосил мўллигидан шохлари бошини эгади.

– Айрим майдонлардан 70 центнергача ҳосил кўтардик. Ўртача ҳосилдорлик 62 центнерни ташкил этди. Президент Шавкат Мирзиёев тўғри тавсия берган эканлар. Шинжон технологияси юқори ҳосил олиш мумкин бўлган усуллигига амин бўлдим, – дейди фермер хўжалиги раҳбари. – Гектарида 260 мингтагача кўчат етиштирдик. Ҳар тупида камида 18 тагача кўсак очилиб, яхши ҳосил берди. Бу усулнинг яна бир қулай томони шундаки, кам харажат қилиб, катта даромад олиш мумкин экан. Шинжон усулидаги плёнка остига томчилатиб суғориш усулида экилган чигитлар униб чиққач, культивация қилинмайди, чеканка шарт эмас, яганаланмайди. Экилганидан сўнг далага техника орқали бошқа ишлов бериш шарт эмас. Шундай усулни қўллаганимиз учун юқори натижаларга эришдик.

"Мезон" фермер хўжалиги жорий йилда 12 иш кунида 73 гектардан ўртача 60 центнердан юқори пахта йиғиб олди. Ҳосилни эса омборлардан бирини ижарага олиб сақлаб қўйди. Энди "даволский", яъни тегирмончига ҳақ тўлаш усулида унинг толасини ажратиб сотмоқчи, чигитини эса... Воҳиджон амалга ошираётган ғояни тушунаётгандирсиз? Ҳа, у кластерга сотмайди ҳосилни ўзи қайта ишлаб чиқаришга бермоқчи. Мақсади – фермер хўжалиги даромадини ошириш.

– Шу йили вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров ташаббуси билан пахта териш машиналари келди. Ҳосилни янги техника орқали териш учун 76 схемада қўшқатор ва якка қатор қилиб эккандик, – дейди фермер бугун тарихга айланган суратларни кўрсатиб.

"Мезон" вилоятда юз фоиз пахта ҳосилини машинада териб олган кам сонли фермер хўжаликларидан бири бўлди. Бунинг учун Воҳиджон йиллаб тайёргарлик кўрди. Пахта майдонларининг энг кичиги 13 гектарли. Каттаси эса 38 гектар. "Машинада пахта териш учун уларни 50-60 гектаргача етказишни режалаганман", дейди фермер.

– Биз 2024 йилда Шинжондан чигитнинг сара уруғларини олиб келдик, – дейди "Tian Ye agro" компанияси раҳбари Li Gio Doint. – Пахта ҳосили асосан кўчатнинг ўрта ва юқори бўғинларида, яъни машинада набоп қилиб етиштирилган. Чаноқларда ҳосил бўлиқ. Биттаси 7,4 граммгача тош босади. Уларни бир теримдаёқ йиғиб олдик.

Дарвоқе, "Мезон"нинг даромади ҳақида сўрамадик. Воҳиджон уни ҳамиша қўл остидаги ишчилари билан бўлишади. Кимгадир уй қуришда, кимнингдир оила аъзосини даволатишда у елкадош. Шу кунларда эса хўжаликнинг 15 нафар аъзолари Саудия Арабистонида. Хўжаликнинг жорий йилги даромади ҳисобидан – бепул Умра зиёратини адо этишяпти.

Воҳиджон гоҳ тракторчи, гоҳ комбайнчи, ер ҳайдайди, дори сепади. Унда барча техник воситалар бор. Яна бир сирни очиқлайлик – пахтани йиғиб-териб олгач, ғўзапоясини олмайди, ўша заҳотиёқ махсус техникада майдалатиб, ерга сочиб юборади. Унинг чириндисида фосфор, аммафос элементлари бор, ер ҳайдалганида остида қолиб тупроққа қувват беради. Шунинг учун ҳам фермер минерал ўғитга ружу қўймаган.

– 800 килограммдан ўғит солдик холос. Аммафос, карбамид, сульфатаммон, калий солдик. Кейин эса суспензия билан ишлов бердик. Ўзбекистон ерлари олтинга тенг. Хитойда агротехник тадбирларни кўриб, тажриба алмашиб келдик, худо хоҳласа, 2025 йилда юз фоиз Шинжон усулида плёнка остига томчилатиб суғоришни қўллаб, чигит экамиз. 80, 90 ва 100 центнергача ҳосил олишга ҳаракат қиламиз, – дейди у.

Яхши ният қилган етар муродга, дермидилар?

Ўтган ҳафтада Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни Воҳиджон Обидов "Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги фидойиси" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Дарҳақиқат, Воҳиджон Президент айтган марраларни кўзлаяпти. Ҳеч шубҳа йўқ, шундай кунлар келади ҳали.

Муҳаммаджон ОБИДОВ.

Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.



(Бошланиши 1-бетда).

Хорижий инвестицияларни жалб қилиш, экспортни қўллаб-қувватлаш ва валюта тушумларини ошириш борасидаги салмоқли ишлар туфайли ўтган ўн ой мобайнида 27 миллион АҚШ долларилик маҳсулотлар экспорти амалга оширилди. Бугунга келиб, экспорт ҳажми 2020 йилга нисбатан тўрт баробарга ошгани қувонарли ҳол, албатта.

Жорий йилда экспорт географиясининг кенгайиши ҳисобига 55 миллион АҚШ долларилик ҳамда 60 дан ортиқ янги экспортёр корхоналар фаолият бошлаши натижасида 45 миллион долларлик қўшимча экспорт ҳажми яратилди.

– Хитой, Германия, Туркия, Корея Республикаси каби давлатларга экспорт қилишни йўлга қўймоқдамиз. Шаҳримизда мева-сабзавот етиштириш ва қайта ишлашда сифатнинг яхшиланиши, қадоқлаш жараёнларида замонавий технологияларнинг қўлланилиши ҳисобига ҳамкор давлатларда гилос, анор, қовун, қуритилган мевалар, ёнғоқ ва узумга талаб ортиб бормоқда, – дейди "Marwin fruitline" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шерзод Курязов.

Қувасойда интенсив боғларни ташкил этишга ҳам муҳим аҳамият қаратилмоқда. Ушбу йўналишда фаолият юритаётган фермер хўжаликлари ва тадбиркорлик субъектлари, йирик корхоналарга имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳисобига сезиларли ютуқлар кўзга ташланяп-

Ислоҳотлар самараси:

Қувасой – ЙИРИК ЭКСПОРТЁР ҲУДУД

Шубҳасиз, мева етиштириш ва экспорт қилиш бўйича Қувасой вилоятимизда етакчи ҳудуд сифатида бой тажрибага эга. Айниқса, шаҳар фермер хўжаликларида етиштирилаётган шафтоли, гилос, олмага талаб ортиб бормоқда.

Узоқ йиллар давомида эскича тизимда ишлаб келган қишлоқ хўжалиги соҳасига замонавий технологияларни жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар мева-сабзавот экспортини янги босқичга олиб чиқди. 2024 йилнинг ўн ойи мобайнида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти билан шуғулланиб келаётган 20 яқин корхоналар томонидан 21,5 минг тонна мева-сабзавот чет давлатларга жўнатилиб, 15,1 миллион АҚШ долларилик экспорт амалга оширилди.

Жорий йилги мавсумда "Havvo optimus" масъулияти чекланган жамияти 6,6 миллион АҚШ долларилик, "Manzana" МЧЖ 2,7 миллион, "Uz-Segang" қўшма корхонаси 1,2 миллион долларлик мева экспортини амалга оширди.

Мамлакатимизда мева-сабзавот ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган тадбиркорларга қатор имтиёзлар, зарур шароитлар яратилиб, айрим маҳсулот турлари божхона тўловларидан озод қилинаётгани, замонавий иссиқхоналар қуриш учун имтиёзли кредитлар ажратилаётгани экспортёр корхоналарнинг янги лойиҳаларни амалга оширишга хизмат қилмоқда.

"Marwin fruitline" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шерзод Курязов ана шундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, умумий қиймати 176,5 миллиард сўм бўлган мевани қайта ишлаш ва қуюлтирилган табиий шарбат ишлаб чиқариш лойиҳасини ишга туширишга қарор қилганида, Қувасой шаҳар ҳокимлиги унинг ташаббусини қўллаб-қувватлади, унга "Қўқон" эркин иқтисодий зонаси Қувасой филиалидан 5 гектар майдон ажратиб берилди.

Мазкур лойиҳа ишга тушиши натижасида экспорт географияси янада кенгайди.

Бу борадаги муваффақиятларни "Uz-Segang" қўшма корхонаси фаолияти мисолида кўришимиз мумкин. Корхона томонидан ташкил этилган 600 гектарлик интенсив боғда пишиб етилган мевалар шаҳарнинг экспорт салоҳиятини оширмоқда. Аҳамиятлиси, шаҳардаги мавжуд иссиқхоналарда қишин-ёзин етиштирилаётган маҳсулотлар ҳисобига экспортда узилиш кузатилмаяпти. 2260 гектар самарасиз боғлар ўрнида ҳамда 1550 гектар ўзлаштирилган қир ва адиролди ерларда ташкил этилган интенсив боғлар ҳосили ҳам шаҳар иқтисодий кўрсаткичига салмоқли ҳисса қўшди.

– Европа давлатлари, Хитой ва Туркия тажрибалари асосида саноатни аниқ йўналишга ихтисослаштириш ҳамда иш ўринларини кўпайтиришга эътибор қаратяпмиз, – дейди Қувасой шаҳар ҳокимининг инвестициялар, саноат ва савдо масалалари бўйича ўринбосари Салимжон Нишақулов. – 210 гектар майдонни ташкил этадиган "Қўқон" эркин иқтисодий зонаси Қувасой филиалида умумий қиймати 1 миллиард АҚШ долларилик 185 та лойиҳани амалга ошириш-дан кўзлаган мақсадимиз ҳам шаҳримизнинг экспорт салоҳиятини ва миллий маҳсулотларнинг ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш, экспортчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, валюта тушумларини кўпайтиришдир.

Шу кунларда Қувасой шаҳрида яна бир йирик лойиҳа – Ўзбекистон ва Қирғизистон чегараси ҳудудидаги 11 гектар майдонда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига йирик логистика маркази барпо этиш ишлари амалга оширилмоқда. Қиймати 35 миллион АҚШ долларилик ушбу лойиҳа ишга тушиши натижасида, шаҳарнинг йиллик экспорт ҳажми 110 миллион долларга етиши кутилмоқда.

Муаттар МАҲМУДОВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

FARG'ONA POLITEXNIKA INSTITUTI QUYIDAGI BO'SH LAVOZIMLARNI EGALLASH UCHUN TANLOV E'LON QILADI:

I. KAFEDRA PROFESSORI LAVOZIMIGA:		
1	Intellektual muhandislik tizimlari kafedrasi	1
II. KAFEDRA KATTA O'QITUVCHISI LAVOZIMIGA:		
1	Tadbiqiy mexanika kafedrasi	1
2	Bino-inshootlar qurilishi kafedrasi	1
3	Qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalarini ishlab chiqarish kafedrasi	1
4	Arxitektura kafedrasi	1
5	Kimyo va kimyoviy texnologiya kafedrasi	1
III.KAFEDRA ASSISTENTI (O'QITUVCHISI) LAVOZIMIGA:		
1	Qurilish materiallari, buyumlari va konstruksiyalarini ishlab chiqarish kafedrasi	1
2	Elektronika va asbobsozlik kafedrasi	1
3	Metrologiya, standartlashtirish va mahsulot sifati menejmenti kafedrasi	1
4	O'zbek tili va tillarni o'rgatish kafedrasi	1
5	Tabiiy tolalar kafedrasi	1

Tanlovga hujjatlar qabul qilish muddati e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy.
Murojaat qilish uchun manzilgohimiz: Farg'ona shahar, Farg'ona ko'chasi, 86-uy.
Telefon: 91 665-72-05. Kengash kotibi: M. Shaxodjayev.

MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI TOSHKENT AXBOROT TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI FARG'ONA FILIALI QUYIDAGI BO'SH LAVOZIMLARNI EGALLASH UCHUN TANLOV E'LON QILADI:

I. Kafedra mudiri lavozimiga:
1. Axborot xavfsizligi kafedrasiga – **1 o'rin.**

II. Katta o'qituvchi lavozimiga:
1. Iqtisodiyot va kasb ta'limi kafedrasiga – **1 o'rin.**
2. Dasturiy injiniring kafedrasiga – **1 o'rin.**

III. Assistent lavozimiga:
1. Axborot texnologiyalari kafedrasiga – **1 o'rin.**
2. Telekommunikatsiya injiniringi kafedrasiga – **1 o'rin.**
3. O'zbek tili va gumanitar fanlar kafedrasiga – **1 o'rin.**
4. Dasturiy injiniring kafedrasiga – **1 o'rin.**
5. Axborot xavfsizligi kafedrasiga – **1 o'rin.**

Tanlovga ariza va hujjatlar qabul qilish muddati e'lon chiqqan kundan boshlab bir oy.

Manzil: Farg'ona shahar, Mustaqillik ko'chasi, 185-uy.
Telefon: 73 226-82-09.
Telegram: https://t.me/kengashkotibi

Фарғона шаҳар "Фарғона адолат коммуналчи плюс" МЧЖ (БСК)га тегишли думалоқ муҳр мавжудлигига қарамай, "Фарғона адолат коммуналчи плюс Д" ноқонуний тарзда муҳр тайёрлатиб, фойдаланиб келаётгани сабабли унинг думалоқ муҳри бекор қилингани **МАЪЛУМ ЭТИЛАДИ.**
Фарғона шаҳар "Фарғона адолат коммуналчи плюс" МЧЖ (БСК).

Спорт

ФУТБОЛ БЎЙИЧА 2030 ВА 2034 ЙИЛГИ ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида Халқаро футбол федерациясининг (ФИФА) навбатдан ташқари Конгресси ўтказилди.

Унда ФИФА раҳбари Жанни Инфантино Саудия Арабистони 2034 йилги жаҳон чемпионатига мезбонлик қилишини эълон қилди. Бундай қарорга келишига сабаб Саудия Арабистони чемпионатни ўтказиш учун ягона номзод бўлган.

Аввалроқ, Австралия 2034 йилги Жаҳон чемпионатини ўтказишга даъвогар бўлган. Бироқ, якунда тегишли ҳужжатларни топширишдан воз кечди.

2034 йилги баҳслар мамлакатнинг Ар-Риёд, Жидда, Абха, Ал-Хубар ва Неом шаҳарларидаги 15 та стадионда ўтказилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, Конгрессда 2030 йилги мундиал бир вақтнинг ўзида олти мамлакат – Марокаш, Испания, Португалия, Аргентина, Уругвай ва Парагвайда ўтиши белгиланди.

Ушбу мусобақанинг фақат биринчи учта ўйини Уругвай, Аргентина ва Парагвайда бўлиб ўтади. Қолган барча ўйинлар Марокаш, Португалия ва Испанияда ўтказилади.

Аслида, 2030 йилги жаҳон биринчилигининг ҳақиқий мезбонлари Марокаш, Португалия ва Испания. Аргентина, Уругвай ва Парагвайдаги ўйинлар футбол бўйича Жаҳон чемпионатлари ўтказила бошланганига 100 йил тўлиши шарафига уюштирилади.

Маълумот ўрнида: 2026 йилнинг 11 июнь — 19 июль кунлари АҚШ, Канада ва Мексика мамлакатларида футбол бўйича Жаҳон чемпионати бўлиб ўтади.

Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА.

Қишлоқ
ТАДБИРКОРЛИГИ

Данғаранинг ЁҒОЧ ҚОШИҚЛАРИ

Ўзбекистон дунё сайёҳларини ўзига тортаётгани, албатта, тарихий обидалари-ю, замонавий шаҳарларининг мафтункор кўринишидир. Яна бир омил борки, у халқнинг иқтидори билан боғлиқ. Бу Ўзбекистон ҳунармандларининг жилвагар шоҳи атласлари, нақшлари кўзни қамаштирувчи кулолчилик маҳсулотлари, олтин-у, кумушдан бўлган зебу зийнатларидир. Яқин йиллардан буён улар қаторига қошиқчилик маҳсулотлари ҳам қўшилди.

Рашид Миразизов бу янги соҳани Фарғонада ривожлантираётган усталардан бири. У қаерга бормасин, ғовлаб кетган дарахтларни топади. Баҳор ва куз фасли унинг учун мавсум ҳисобланади. Буталган шох-шаббаларни саралаб, ёғоч қошиқ, санчқи, капгир, шамдон, чўмич... борингки, 30 хилга яқин рўзғорбоп идиш ва жиҳозлар ясайди.

– Асосан ёнғоқ ва тол дарахтларидан ясайман. Толдан бўлгани енгил ва ҳеч қачон ёрилмайди. Қошиқчилик Россия ва Хитойда саноат даражасига чиққан, – дейди уста Рашид Миразизов. – Аммо Россия қошиқлари икки бўлак қисмлар бир-бирига клей орқали туташтириб ясалади. Бизники эса яхлит бутун ёғочдан. Бундан ташқари, маҳсулотларимиз узоқ йиллар хизмат қилади.

Дастлаб бўш вақтида, кейинроқ, унга ҳам ўн йил бўлдики, Рашиджон касб сифатида ёғочгарлик билан машғул. У Ўзбекистон "Ҳунарманд" уюшмаси аъзоси. Кўплаб кўргазмалар иштирокчиси.

– Ҳар йили Фарғона ва Тошкентда асал байрамлари бўлади. Ҳар гал мени таклиф қилишади. Асални идишларга солиш учун ёнғоқ, олма каби қаттиқ ёғочдан капгир ясаб олиб бораман. Умуман асал ёғоч идишда сақланса ва ёғоч қошиқда истеъмол қилинса, унинг хусусиятлари ўзгармас экан, – дейди у.

Уста Рашид дастлаб оила аъзоларини, сўнг қўни-қўшни, данғаралик ёшларни ёнига олди. Улар устозлари йўниб ясаган қошиқларни жилвирлаб силлиқлайдилар, бир қисмига эса турфа рангларда миллий нақшлар, чиройли гул, болалар эртаклари қаҳрамонлари сиймосини чизадилар.

– Пишириқ пишириш цехида ишлайман. У ерда ҳам қошиққа гул солгандек тортларга гул чизаман, – дейди устанинг қизи Нигора Комилова. – Уйга келгач, дадамга ёрдамлашаман. Россия қошиқларига қараб чизишни ўргандим. Катта синглим санъат мактабида ўқийди. У ҳам нақшлар ҳамда эртак қаҳрамонлари суратларини чизади.

– Мактабнинг 11-синфида ўқийман. Бўш пайтимда амакимга ёрдамга келаман, – дейди Муслима Йўлчибоева. – Синфдошларим ҳам бу ерга ҳунар ўргангани келишади. Улар қошиқларга расм чизадилар ва жилвирлайдилар.

– Яқинда қўлимга қадимий қошиқлардан бири тушиб қолди. Ҳозирга қадар бутун сақланган. Ундан нусха олиб, бир томони бурчакли қошиқлар тайёрладик. Бозори жуда яхши. Маҳсулотларимизни Қўқондаги бозор, музей, Тошкентдаги Баракхон мадрасаси, турли фестивалларда сотаман. Энди ўзим учун устахонаси бўлган дўкон очмоқчиман, – дейди қошиқ устаси.

"Инсоннинг қўли гул", деб бежиз айтмайдилар. Данғара туманидаги оддий оиланинг оддий одамлари қалб қўри, юрак меҳри, бармоқлар сеҳри ила шу каби мўъжизакор қошиқларни яратмоқдалар.

Сарвар ОБИД.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Касбий таълим

Фарғона касбий кўникма маркази-да касб-ҳунар эгаллаган минг-лаб хотин-қизлар бугун ўз ҳудудларида иш билан таъмин-ланган, шахсий бизнесига эга. Улар ёш йигит-қизларга касб-ҳунар ўргатмоқда. Ана шундай аёллардан бири қўштепалик Азимахон Холмато-вадир.

БУ МАСКАНДА КАСБ-ҲУНАР ЭГАЛЛАГАН ЁШЛАР

БУГУН МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС, ШАХСИЙ БИЗНЕСИГА ЭГА

– Қўлимда ҳунарим йўқ эди, уйда ишсиз ўтирардим. Фарғона шаҳридаги касбий кўникма марказида мен каби аёлларнинг касб-ҳунарга ўқитилаётганини эшитиб, борганман. Икки ой давомида гул ва декорациялар ясаш ҳунарини ўрганганимдан хурсандман. Бугун ўзимнинг шахсий бизнесим бор, маҳалладаги ишсиз аёлларга ҳунар ўргатяпман, – дейди Азимахон.

Марказ уста-муҳандиси Моҳирахон Тошпўлатованинг айтишича, гул ясаш йўналишида ҳозир 15 нафар хотин-қиз ҳунар ўрганяпти. Таҳсилни тугатгач, уларга махсус сертификат берилади. "Баркамол авлод" болалар ижодиёт марказлари, ўз маҳаллаларида ёшларга ҳунар ўргатишлари мумкин. Касб-ҳунари йўқ, ишсиз ўтирган аёллар учун ўқиш бепул. Икки йилдан бери ёшларга устозлик қилаётган уста-муҳандис ҳозирга қадар 170 нафар гул ясовчи ҳунармандлар тайёрлади.

2021 йилда "Ишга марҳамат" мономаркази сифатида иш бошлаган Фарғона касбий кўникма марказида 5 та бўлим – "Сервис ва хизмат кўрсатиш", "Техника", "Умумқурилиш", "Рақамли технологиялар" ва "Хорижий тиллар" йўналишлари бўйича 34 та касб-ҳунарга ўқитиш йўлга қўйилган. Ёшлар рус, инглиз, корейс, япон, немис тилларини ўрганади, тадбиркорликка тайёрланади.

Касблар бўйича ўқув-устахоналар Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси, Жаҳон банки гранти маблағлари ҳисобидан қурилиб, жиҳозланган. Мавжуд курсларда ўқиш муддати 2 ойдан 6 ойгача.

Ўтган йили марказда 3673 нафар аёл ва эркак касб-ҳунарга ўқитилди, улардан 3262 нафарининг бандлиги таъминланди. Касб-ҳунарли бўлган фуқароларнинг 109 нафари ногиронлиги бўлган шахслардир. Умуман олганда, марказда 12152 нафар фуқаро касб-ҳунар эгаллаб, ҳозир улардан аксариятининг шахсий бизнеси бор, бошқалари турли корхона ва ташкилотларда, муассасаларда мутахассис сифатида ишлаяпти.

Марказ битирувчиларидан Наргиза Акрамова "Ал-Жамил", Орзигул Қурбонова "Орзу", Мафтуна Исмоилова, "Мафтуна", Мухтасар Хўжамова "Робия" номли гўзаллик салони очиб, хотин-қизларга хизмат кўрсатмоқда.

– Фарғона шаҳрининг Қори Ниёзий кўчасида яшайман, икки нафар ўғлим бор. Мен ҳам уйда ўтирган хотин-қизларга марказда бепул ҳунар ўргатилаётганини эшитиб, келдим. Устозим Дилором опа Фаёзовадан аёллар сартарошлиги ҳунарини ўрганяпман. Мустақил иш юритишга қарор қилган битирувчилар учун марказ томонидан субсидия, зарур иш жиҳозлари берилар экан. Бу ерда ҳам ўқиб, ҳам буюртма асосида мижозларга хизмат кўрсатиб, даромад топяпман. Гўзаллик салонларидан ишга таклифлар бўляпти. Сертификат олгач, улардан бирига ишга кираман. Маҳалла аёлларига, қўни-қўшниларга ҳунар ўргатаман, – дейди Замирахон Абдубаннопова.

Тикувчилик йўналишини шу кунга қадар 500 нафардан ортиқ чевар битирган. Айни пайтда қувасойлик Барнохон Юсупова, Гулбаҳор Худойбердиева сингари қиз-жувонлар уста-муҳандис Малоҳатхон Мингбоевадан ҳунар сирларини қунт билан ўрганиб, буюртма асосида кийим-бош тикмоқда.

"Ёш болалар учун энага, тарбиячи ёрдамчиси" ҳамда "Қандолатчи" йўналишида буюртма асосида 32 нафар номутахассис ходимлар ишдан ажралмаган ҳолда ўқитилди. Келгуси йилда уларнинг сони 120 нафарга етади.

Имконияти чекланган шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида Ногиронлар ассоциацияси, вилоят карлар жамияти билан ҳамкорликда ўтган давр мобайнида 75 нафар имконияти чекланган фуқаролар касб-ҳунарга ўқитилди, айни кунда 14 нафар шундай шахслар ўқув ва амалий машғулотлар билан банд.

Бу ерда касблар бўйича малакани баҳолаш маркази фаолияти йўлга қўйилган. Таҳсил олувчилар ҳам назарий, ҳам амалий имтиҳондан ўтказилиб, уларга малака паспорти берилади ва мутахассислиги бўйича меҳнат фаолиятини олиб боришлари учун имкон яратилади. Бугун тикувчилик, пайвандчилик, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, маиший техникаларни таъмирлаш, электрик, сантехник, компьютер веб-дизайн йўналишларида ҳунар ўрганаётган йигит-қизлар эртага мутахассис сифатида иш бошлайдилар.

Касб-ҳунар курсларида ўқиган фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, амалий кўникмаларни ишлаб чиқаришда қўллаш, бўлажак иш жойларига мослаштириш мақсадида вилоятдаги бир қатор маҳаллий ва қўшма корхоналар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Муҳандис-усталар ҳамда бўлажак касб эгаларига замонавий билим ва касбий маҳорат ўргатиш мақсадида Туркия давлатининг бир қатор касб усталари томонидан малака ошириш курслари, семинарлар ташкил этилди, бу жараён давом этмоқда.

– Касбий кўникма маркази бюджетдан ташқари ҳам маблағ ишлаб топмоқда. Фуқароларни шартнома асосида касб-ҳунарга ўқитиш, Фарғона шаҳрида жойлашган корхона ва ташкилотларнинг буюртмалари асосида товар ва маҳсулотлар тайёрлаш, пуллик хизматлар кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган, – дейди марказ директорининг биринчи ўринбосари Алишер Эминов.

Касб-ҳунарсиз, ишга муҳтож бўлсангиз, Фарғона касбий кўникма маркази эшиклари сиз учун очиқ. Бу масканда беминнат касб-ҳунар ўрганасиз, ишга жойлаштириш чоралари кўрилади, шунингдек, шахсий бизнесингизни йўлга қўйишингиз ҳам мумкин. Бу давлатимиз томонидан "Инсон қадри учун" тамойили асосида муҳтож фуқароларга яратиб берилган катта имкониятдир.

Абдужалил БОБОЖОНОВ.

Жиноят ва жазо

Суд-тиббий экспертизаси хулосасига кўра, ўткир санчиб кесувчи жисм Д.Ҳ.нинг кўкрак қафаси чап томонидан 4 та, қорин соҳасидан 3та, юрак халтаси, юрак чап қоринчаси ва чап ўпка бўлаклари, ошқозон, кўндаланг чамбар ичак

ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ ЖАНЖАЛ ФОЖИАЛИ ЯКУН ТОПДИ

тутқичини тешиб ўтган, чапдан 5-қовурға суяги кесилган, ички ва ташқи қон кетган, юрак халтасига қон тўпланган, яна кўплаб санчиб кесилган яралар мавжуд. Марҳумнинг хаётлик вақтида танасининг олди ва чап орқа томонидан тартибсиз кетма-кетликда етказилган турли даражадаги тан жароҳатлари унинг ўлимига сабаб бўлган.

Фожиавий воқеа танишларнинг спиртли ичимлик истеъмол қилиш ҳолатидаги телефон орқали ўзаро тортишувлари, куракда турмайдиган ҳақоратли сўзлари ортидан юзага келди. Оқибати бир инсоннинг эрта ҳаётдан кўз юмиши, бирининг эса узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиниши билан якун топди, икки оила аъзолари қалбида бир умрлик яра қолди.

Судланувчи Д.Каримов жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судида айбига қисман иқрор бўлиб, ўзини қанчалик оқлашга ҳаракат қилмасин, воқеанинг бевосита шоҳиди бўлган гувоҳлар кўрсатувлари унинг важларини асоссиз деб топди.

Судланувчи Давлат Каримов Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 97-моддаси 2-қисми "в, ж" бандлари билан айбли деб топилиб, унга 16 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Тожидин ВАҲОБОВ,
жиноят ишлари бўйича Фарғона шаҳар судининг раиси.

ЗАЪФАРОН ҲАҚИДА ТАРИХИЙ МАНБАЛАР НИМА ДЕЙДИ?



(Бошланиши 1-бетда).

Маълумки, заъфароннинг зиравор сифатида истеъмол қилиниши тўрт минг йилдан кўпроқ тарихга эга бўлиб, ҳатто неолит даврида тоғларнинг қоя тошларига расм чизишда бўёқ тариқасида ишлатилган. Қадимги Месопотамияда уни таомда фойдаланилган излари археологлар томонидан аниқланган. Ёзувларда у ҳақда биринчи эслатмалар Шумер цивилизацияси қолдиқларида кузатилади.

Эронда эрамиздан аввалги X асрда заъфарон толаларини қурбонлик ўраладиган матоларни бўяшда ишлатилган, шунингдек, кучли томизғи сифатида фойдаланиб, атторлик моллари ва лаззатли ёғлар тайёрланган. Искандар Зулқарнайн армиясида табиблар ўсимлик билан жароҳатларни даволашган. Қадимги Аҳдда (Тавротда) эса қурбонликда ёрдамчи восита, бўёқчилик ва атторлик моддаси сифатида қўлланилгани ҳақида битилган. Қадимги Хитой манбаларида шифобахш дори воситаси бўлганлиги эслатилган. Шарқда будда монахлари либосларини бўяш учун ишлатган. Европада ундан фойдаланган бойлар жамиятда киборлар табақасига мансублигини ифодалаган. Рим аркони давлати ҳам заъфаронни дори, тери ва матоларга бўёқ, атторлик моддаси сифатида ишлатган. Шу нуқтаи назардан ҳам айтиш жоизки, у – энг мазали зиравор, сифатли табиий бўёқ моддаси ва қимматбаҳо атторлик воситаси, ҳамма дардларга даво бўлувчи ўсимликдир.

Заъфароннинг кимёвий таркиби 10-12 фоиз сув, 5-7 фоиз минерал моддалар, 5-8 фоиз мой ва мўм, 12-13 фоиз оқсил ва оз миқдорда ёғ экстрактидан иборат ўзига хос ва хушбўй ёқимли моддалардан таркиб топган.

Заъфарон харид қилишда янчилиб майдаланганини эмас, балки бутун толали гулларини олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан икки минг йил аввал Рим тарихчиси Плиний янчилган заъфарон қалбаки бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирган. Ўрта асрларда ўсимликни сохталаштирган шахс гулхан ўтида ёқилган. Ҳақиқий заъфарон ҳеч қачон арзон нархда сотилмаган.

Заъфароннинг шифобахш хоссалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

– онкологик касалликларни даволашда (ҳатто хасталикнинг охирги босқичида саратон ўсимталарига қаршилик кўрсатади ва уларнинг ҳужайралари ўсишини тўхтатади);
– қонни тозалашда (уни янгилайди ва тозалайди, демак юрак-қон томир тизимини мустаҳкамлайди, организмнинг барча ҳужайраларини озиқлантиради);
– мия фаолияти фаоллигини яхшилайди (бош мия тўқималарини ўстиради, хотирани яхшилайди);
– неврозлар фориғ қилади;
– бош оғриғи ва уйқусизликдан халос этади;
– ошқозон-ичак фаолиятини меъёрга келтиради;
– ортиқча ўтдан халос этади;
– буйрак ва қовуқни даволайди (асал аралаштирилган заъфарон буйрак ва қовуқдаги тошларни майдалайди);
– антиоксидант таъсирга эга (энергетик модда алмашинувини яхшилайди, зарарли моддаларни чиқариб юборади);
– организмни қувватлайди;
– кўриш қобилиятини тиклайди, кўз тўрпардасидаги иллатларни даволайди;
– эрексияни яхшилайди;
– ҳайз циклида оғриқни енгиллаштиради;
– терининг куйган ва шиш пайдо бўлиш ҳолатларида уларни даволайди;
– аллергиядан халос этади;
– ичкиликбозлик иллатидан халос этади;
– шамол ва спазмаларни чиқариб юборади;
– бутун организмни ёшартиради;
– организмдаги радиация даражасини пасайтиради.

ШИФОБАХШ ЗАЪФАРОННИ ҚАЕРДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН?

BMB Za'faron саломатлик маркази – call-markaz. Телефон: +99855 516-22-99.
BMB Za'faron Sello Market – https://sello.uz/sellers/ooo-bmb-impex
Uzum Market – https://uzum.uz/ru/httpsbmbtguzzafaron

Хизматлар лицензияланган.
Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

(Бошланиши 1-бетда).

Россия ва Эрон ўрнига ТУРКИЯ.

1970 йилдан буён Сурия ҳокимиятида бўлиб келган Асадлар сулоласи қулади. Башар Асад оиласи билан Россияга қочди. Бу сулола Сурияни ярим асрдан ортиқ бошқарди.

Сурия – Яқин Шарқдаги муҳим давлатлардан бири. Аҳолиси 23 миллиондан ошиқ (бундан ташқари, яна бир неча миллион аҳоли қўшни мамлакатларда қочқин мақомида). Ҳудуди – Ўзбекистондан деярли икки ярим баравар кичик, лекин Исроилга нисбатан 8,5 баравар катта.

Иккинчи жаҳон уруши тугагач, дунёда икки қутблилик даври бошланади. Совуқ уруш даврида араб давлатлари ҳам де-факто тарзида икки томонга бўлинади. Баъзи араб давлатлари СССРга ориентир олади, ўзларининг давлатларида араб миллатчилиги асосидаги социализмни жорий қилишга киришади. Шундай давлатлардан бири – Сурия эди.

Асад режими нега бунчалик тез қулади?

Сурия, Миср, Ироқ ва бошқа давлатларда Баас партияси тузилади, кучаяди, ҳокимиятга келади. Баас партияси Сурия ҳокимиятига 1963 йилда, давлат тўнтаришидан кейин келган. Партиянинг асосий ғоялари – араб миллатчилиги, инсонлар тенглиги, араб давлатларининг барчаси бирлашиши кераклиги, дунёвий давлатчилик ва бошқалар эди. 1970 йилга келиб, Ҳофиз Асад ҳокимиятдаги генерал Салоҳ Жадидни йиқитади ва ўзи ҳокимиятга келади. Ўша вақтдан бошлаб Асадлар даври 2024 йилнинг 8 декабрига қадар давом этди.

2000 йилда Ҳофиз Асад вафот этади. Ва унинг ўғли Башар Асад Сурия президенти бўлиб "сайланади". Расман Сурия "республика" бўлса-да, де-факто монархия томон кетаётган эди.

2011 йилда араб давлатларида "Араб баҳори" деб аталмиш оммавий намойишлар ва инқилоблар бошланди. Араб дунёси ягона ахборот ҳудудида яшайди. Шунинг учун Тунисдан бошланган оммавий намойишлар Жазоирга, Мисрга, Мағриб ва Иорданияга, Саудия ва Баҳрайнга ҳам тарқалади. "Араб баҳори" Сурияни ҳам айланиб ўтмайди. Ўша 2011 йилда Сурия бир қанча минтақаларида оддий одамлар ислоҳотлар сўраб намойишлар ўтказишади. Лекин Башар Асад режими намойишларни қаттиқ бостиради: кўплари ўлдирилади, қолганлари қамалади ва бахти борлари қочиб қутулади. Натижада, фуқаролик уруши бошланади.

"Асад режими нега бу қадар тез ва қаршиликсиз қулади?" деган савол – жуда муҳим. Асосий сабаб – бу режимнинг легитимлиги йўқ эди. Уни қўллайдиган, ҳимоя қиладиган халқ йўқ эди. Суриялиқларнинг аксарияти унинг йиқилишини истарди, орзу қиларди. Агар ҳокимиятнинг легитимлиги йўқ бўлса ёки паст бўлса, тизим икки танлов олдида қолади: ё ислоҳотлар ўтказиб халқнинг ишончига кириш (халқ "бу ҳокимиятдан мен розиман" деган хулосага келиши, натижада, сиёсий тизимни ҳимоя қилишга тайёр бўлиши); ёки номаълум вақтга келиб, йиқилиш... Башар Асад биринчисини қила олмади ва йиқилди.

Асад тузуми йиқилишининг катта геосиёсий оқибатлари бўлади. Қайси давлатлар ва кучлар ютқазди? Энг аввало, Эрон Ислом Республикаси, Россия Федерацияси ва "Ҳизбуллоҳ" ташкилоти ютқазди. Ватқ ўтиб, янги Сурия ҳокимияти бу давлатлар ва кучлар билан маълум даражада тил топишиши мумкин, лекин бу давлатларнинг янги Сурияга таъсири олдингидек бўлмайди.

2011 йилда "Араб баҳори" бошланганида, Асад режимини сақлаб қолган давлатлар, бу – Россия Федерацияси, Эрон ва "Ҳизбуллоҳ" ташкилоти эди. Нега бу сафар улар ёрдамга келмади? Россия Украина уруши сабаб жуда ҳолсизланган, Эрондан, Шимолий Кореядан ёрдам олиб турибди. Қандай қилиб Асадга ёрдам берсин? "Ҳизбуллоҳ" эса Исроил билан урушда анча заифлашди, ҳозир Асадга ёрдам бера оладиган ҳолатда эмас. Ўзини тиклаш учун "Ҳизбуллоҳ"га ойлар ва йиллар керак бўлади. Эрон ҳам ўзи билан ўзи банд.

Энди, қайси давлатлар ютди? Энг аввало, Асаднинг йиқилишидан ва "Ҳайъат таҳрир аш-Шом" ташкилоти бошчилигидаги гуруҳларнинг ҳокимиятга келишидан Туркия ютди. Энди Суриядан Эрон ва Россия чиқиб кетиб, ўрнига Туркия кириб келади. Чунки Туркиянинг бу гуруҳларга таъсири юқори.

Исроил-чи? Исроилда катта иккиланиш ва эҳтиётқорлик. Исроил Сурия билан чегарадош. Сурияннинг Жўлан тепаликларини босиб олган. Исроил Суриядан Эроннинг чиқиб кетишидан жуда хурсанд. Лекин ҳокимиятга диний жангари гуруҳларнинг келишидан, албатта, хурсанд бўлиши мумкин эмас. "Ҳайъат таҳрир аш-Шом" гуруҳининг лидери – Абу Муҳаммад Ал-Жўланий, у Исроил томонидан босиб олинган Жўлан ҳудудида туғилган шахс.

Абу Муҳаммад Ал-Жўланий "Биз босиб олинган Жўлан тепаликларини қайтарамиз!" деган баёнотлар берган. Умуман, Сурия ҳокимиятига ким келса ҳам, уларнинг Исроилга нисбатан ижобий қарашда бўлиш эҳтимоли йўқ. Чунки ўн минглаб фаластинларни ўлдирар экан, Сурия, Фаластин ерларини босиб олар экан, сурияликлар, араблар ва мусулмонларнинг Исроилга ўта салбий муносабати сақланиб қолаверади.

Сурияда Асадлар йиқилишини ғарб давлатлари эҳтиёткорона қўллаб-қувватламоқда. Сабаби, улар Россиянинг ва Эроннинг қувилишидан хурсанд. Лекин Туркиянинг Сурияга кириб келиши – Исроилга, ғарбга жуда қулай бўлади дегани эмас. Стил ўзгаради, тактика ўзгаради, риторика бироз ўзгаради, лекин совуққон стратегия кучаяди.

Янги Сурия ҳокимияти олдида оғир вазифалар турибди. Репрессия қилмасдан, миллий ва диний камчиликларни қувғин қилмасдан кучли, марказлашган, тарқоқ бўлмаган давлат шакллантириш учун катта сиёсий маҳорат керак бўлади.

Агар Сурияннинг глобал репутацияси ижобий бўлса, Дамашқнинг Исроил томонидан босиб олинган ерларини қайтариб олиш салоҳияти ошади, тезлашади. Мусулмон дунёсининг қудрати ва салоҳияти, яна бир лаёқатли давлат ҳисобига бойиган бўлади.

Камолиддин РАББИМОВ,
сиёсатшунос.

Яхши сўзнинг қудрати

– Хо-ла, хола, уйдамисиз?

Бу эрта тонгдаёқ қўшни ховлига шошиб кирган Лазизанинг овози эди.

– Ҳа, э-э-э кел, болам. Уйдаман, тинчликми, нима гап? Юрагимни ёрворай дединг-а, Лазиза.

– Ҳикмат хола, узр. Биласиз, ҳозир яқинимда сиздан бошқа ҳеч кимим йўқ. Шунга, сизни орқа қилиб тонглигига ҳам қарамасдан чиқавердим.

– Яхши, юр уйга. Нонушта тайёр эди. Олдин чой ичиб олайлик, сўнгра гаплашамиз.

Бу таъкиддан кейин Лазиза сўзсиз холанинг ортидан ичкарига кирди. Нонушта қилиб бўлишгач, қўшни хотин нима гап дегандек унга маъноли қараб қўйди.

– Хола, биласиз. Куёвингиз чет элда. Шу кунларда келиб қолар экан. Фақат, бир муаммо бор. У билан бир неча кун илгари телефонда гаплашиб ўтириб, бехосдан тортишиб қолган эдик. Шундан бери у билан гапимиз ҳеч қовушмайди, уришганимиз-уришган.

– Во-й, ақлсиз қиз. Нималар деяпсан. Ахир олисдаги кишига ҳам шунақа иш қилиш мумкинми? Сизларни деб оиласидан узоқларда меҳнат қилиб, пул юориб турган турмуш ўртоғингдан ширин сўзингни аяйсанми, ҳе, сени қара-ю, – дея Ҳикмат хола аччиқлангандай юзини ўгирди.

– Хола, айбимни ҳис қилиб турибман. Нима қилай, бу ишни атай қилганим йўқ-ку. Шунинг учун ҳам сизни ёнингизга маслаҳат сўраб чиққан эдим. Ёрдамингиз керак, бирор йўл-йўриқ кўрсатмасангиз бўлмайди. Шу кетишда тортишаверсак, рўзғоримиз бузилиб кетади деб қўрқаман.

– Буларни эрингга зада қилишдан олдин ўйлаш керак эди, аҳмоқ қиз.

– Нима, мен ҳам шунақа бўлишини билибманми, хола. Бехосдан гапидан илги топиб, жаҳлини чиқариб қўйибман-да. Ҳамма айб ўзимда, тан оляпман-ку, бироқ, у уйга келгач, бир узрим билан мени кечирармикин, шуни ўйлаб сиқиляпман. Сиз ҳам ярамга туз сепмасдан, бирор нарса денг, таскин топай.

– Ҳа, жиян-а, ишинг чигаллигини билиб турибман. Бир йўли топилиб қолар, айтишади-ку, "беайб парвардигор" деб. Мушкулингни Яратганни ўзи осон қилсин.

Шу гапларни айтди-ю, Ҳикмат хола бир муддат ўйланиб қолди. Сўнгра, тайинли фикрга келди шекилли, Лазизанинг билагидан тутиб, ўзига қаратиб олди.

– Лазиза, кел бир иш қиламиз.

– Нима иш экан?

– Сен ҳозироқ куёвимга телефонингдан ёз. Унга аввал салом берасан. Кейин бисотингдаги энг яхши сўзларни юбор. Сўнггида "Сизни ҳаммамиз соғиндик, тезроқ келинг, дадажониси" деб якунла. Зора, шу йўл билан уни дилидаги гина-кудуратларини аритишга эришсанг. Ҳа, яна бир гап. "Хатинг"ни ўқигач, у нима деб ёзмасин, сен ёмон жавоб қайтармагин. Ҳар куни, то эринг уйга эсон-омон етиб келгунича шунақа хабарлар юбориб тургин.

– Шундай қилсам, ҳақиқатан эримни кўнгли юмшармикин, мени кечирармикан, хола.

– Албатта, болам. Ноумид шайтон. Сен айтганимни қилавер, ҳаммаси яхшиликка бўлади. "Яхши гап билан илон инидан чиқади", – деган халқимизнинг яхши гапи бор.

– Майли хола, сиз айтгандек қиламан. Дуо қилиб туринг, зора, эрим билан олдингидек апоқ-чапоқ бўлиб қолсак.

Лазиза уйларига кирибоқ, эрига SMS ёзишга киришди. "Воажаб, шоир бўлиб кет-е, Лазиза. Шунақа ёқимли каломларинг ҳам бор экан-ку сўз бисотингда..." У ўзига ўзи гапириб, юборган SMSларини қайта-қайта ўқирди.

Аслида Лазизанинг турмуш ўртоғи Мирҳон ҳам унчалик қаҳри қаттиқ, жаҳлдор инсон эмас эди. Хотини ширин сўзларини ўқиб, мийиғида кулиб, қўйди. "Тавба, қуёш қайси томондан чиқяпти ўзи. Инсофга келиб қолибди-ку".

У биринчи SMSни ўқибоқ, аразни унутди, оиласи, фарзандларини соғинганлигини янада чуқурроқ ҳис этди. Турмуш ўртоғи билан ўрталарида бўлиб ўтган гап-сўзлардан кейин уйга қайтишни пайсалга солиб юрганди. Энди оиласи бағрига қайтиши кераклигини тушунди.

Орадан бир ҳафта ўтиб, Мирҳон уйга кириб келди. Фарзандлари билан бирма-бир қучоқ очиб кўришгач, унга кулиб пешвоз чиққан Лазизага совға-саломлар тўлдирилган сумкасини тутар экан, "Борингга шукур, не қилсанг ҳам фарзандларимнинг онасисан, сен ҳам мени кечиргин. Мен сенсиз яшайолмайман", – дея самимий сўзларини дилидан тилига чиқарди.

Ҳамма яхшиликларнинг калити яхши сўз эканлигига шу ондаёқ яна бир бор амин бўлди Лазиза...

– Хола, ҳов, хола-ю, кимдир борми бу уйда.

Яна тонгда қўшни хонадонга кириб келган Лазиза Ҳикмат холани кўрди-ю, қувончини яшира олмади.

– Суюнчи беринг, ҳикматли Ҳикмат холажоним, куёвингиз соғ-саломат кириб келди. Кайфияти жуда яхши. Энг асосийси, маслаҳатларингиз иш берди, эрим мени кечирди. Ҳақиқатан, яхши сўз қудратли бўларкан. Сизга катта раҳмат, холажон. Айтганча, кечга ош дамлайман, чиқинг, биргалашиб овқатланамиз. Бояқиш сизни йўқлаганди.

– Хўп бўлади, болажоним, албатта, чиқаман. Хурсандман сен учун. Шунақа, яхши сўз ҳар доим яхшиликка хизмат қилади. Шуни ҳеч қачон унутмагин...

Гулноза ЭРГАШЕВА,
Данғара тумани.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalari tahririyati
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.

Газета "Zakovat nashriyot uyi" МЧЖ босмахонасида таҳририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Косонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: _____.

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темур кўчаси, 28-уй.
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.
Саҳифаловчи: Алишер Розиқов.

Газета жума куни чиқади. Адади: 1552 нусха. ★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Абдужалил Бобожонов.

Босишга топшириш вақти: 18.00.
Топширилди: 16.00.

ISSN: 2010-8370